

Пауло КОЭЛО

АЛКИМЁГАР

Инсоннинг Ердаги умри мобайнида амалга оширадиган ишлари нималардан иборат? Ўз Тақдири йўлидан бориб, кўнглига туккан орзу-умидларини амалга ошириши учун инсонга энг зарур нарса нима?..

"Алкимёгар" романи мана шундай кўламли, мазмунан фалсафий, моҳиятан эса оддий инсоний муаммо ҳақида.

Асар муаллифи— ҳозирги замоннинг машҳур ёзувчиси бразилиялик Пауло Коэло.

"Алкимёгар" Ричард Бахнинг "Оқчарлоқ Жонатан" ёки "Шарпалар" асарларига ўхшамайди.

Экзюперининг "Кичик Шаҳзода" сига ҳам ўхшаш томонлари жуда кам. Бироқ негадир

"Алкимёгар"ни ўқиганда беихтиёр ўша ривоят-қиссалар ёдга тушади. Зотан, бу асар айнан

ҳозирги замон китобхонлари учун ёзилгандек ва "Алкимёгар"нинг турли давлатлар арбоблария, машҳур санъаткорлар ҳамда ҳозирча бир юз ўн етти мамлакатдаги миллионлаб адабиёт мухлислари томонидан севиб ўқилиши шундан далолатдир.

"Бизнинг сайёрамизда бир буюк ҳақиқат барқарор: агар сиз чиндан ниманидир орзу қилсангиз, унга албатта эришасиз. Зотан, бу орзу Олам Қалбида ҳам туғилади ва айни шунинг ўзи сизнинг Ерда мавжудлигингиз тасдиқи, сизнинг тақдирингиздир", деб ёзади П. Коэло.

Таржимон

Аҳмад ОТАБОЙ таржимаси

ОРЗУ ЙЎЛИДАГИ ТЎРТ ТЎСИҚ

"София" нашриёти чоп этган "Алкимёгар" романининг биринчи нашрини қўлга олиб, чин дилдан қувондим. Бир неча йил мобайнида россиялик ташаббускор китобхонлар бу китобни имкон даражасида ёйишга уринишди— Интернетга жойлашди, қўлбола китоб шаклида тайёрлаб алмашиб ўқишди, асар матнининг фотонусхасини чиқаришди. Бироқ барча саъй-ҳаракатларга қарамай, турли баҳонаю сабаблар боис, ҳозиргача "Алкимёгар"ни китоб тарзида нашр этиб, бозорга олиб киришнинг иложи бўлмаган эди.

Мана, ниҳоят уни нашр қилиб, талаб даражасида тарқатишга журъат этадиган нашриёт чиқиб қолди. Романда ҳикоя қилинган чўпон бола Сантягонинг саёҳати билан боғлиқ воқеалар асосида ётган туб маъно-мазмун— бу "Ўз Тақдиринг" тушунчасидир. "Ўз Тақдиринг" нима дегани? Бу Худо томонидан бизга буюрилган, умримиз мобайнида адо этишимиз лозим бўлган олий мажбурият, ҳар қайсимизнинг босиб ўтадиган ўз йўлимиздир. Биз ҳар сафар бирор-бир амални қувонч ва ҳафсала билан бажарганимизда, Ўз Тақдиримизга мос тарзда иш тутган бўламиз. Бироқ ёруғ орзу-ниятларга пешвоз чиқишдай бахтга эришмоқ учун бу йўлдан матонат билан ўтиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Хўш, нима учун ҳамманинг ҳам истак ва орзулари ушалавермайди?

Бунга тўртта тўсиқ халал беради. Биринчиси шундан иборатки, гўдаклик пайтдаёқ, ҳаётда эришишни жуда истаган нарсаларга интилганимизда, йўқ, бу нарсаларга эришиб бўлмайди, деган гапни қулоққа қуйиб қўйишади. Бола: ҳарчанд уринмай, барибир ўзим хоҳлаган нарсага эришолмайман, деган фикр билан улғаяди. Шу тариқа, йиллар мобайнида қалбида турли хил шубҳа-гумонлар ва қўрқувлар илдиз отади, умидсизлик ва айбдорлик туйғуси кучайиб боради. Ва бир кун келиб, Ўз Тақдирини яшаш истаги шу оғир юк остида қолганини англаганда, ўзига инъом этилган олий имконни йўқотиб қўйгандай туюлади. Бироқ аслида бу имкон унинг қалбида яшаётган бўлади.

Шунга қарамай, киши қалби тубидаги орзу-ниятини юзага чиқаришга, амалга оширишга бел